

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№26 (6144).

7

ФЕВРАЛЬ

СЕШАНБА

1978 йил.

Баҳоси 2 тийин.

СУТ СИФАТЛИ БЎЛСИН

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА 1977 ЙИЛДА ЕТИШ-ТИРИЛГАН СУТНИНГ СИФАТИ ТЎҒРИСИДА

МАЪЛУМОТ

Районлар	Етиштирилган сўт (тонна)	Сўт (тонна)	Шу жумладан сортлар бўйича (тонна ҳисобида)					
			I сорт		II сорт		сортсиз	
			жами	процент	жами	процент	жами	процент
Оққўрғон	3,58	5257	4344	82,8	36	0,8	846	16,3
Охангарон	3,67	7128	5537	76,0	1228	16,8	512	7,2
Бекобод	3,60	6613	3393	51,2	173	2,7	3053	46,1
Бўстонлиқ	3,89	4727	4336	86,8	554	11,0	104	2,2
Бўка	3,43	5292	5029	99,4	27	0,6	1	—
Юқори Чирчиқ	3,54	13671	11412	84,7	1173	8,7	875	6,6
Калинин	3,44	7048	4230	62,6	1422	21,0	1097	16,4
Қўйи Чирчиқ	3,41	13142	11646	93,5	240	1,9	568	2,1
Оржоникидзе	3,42	7649	5093	70,0	1971	27,1	207	2,9
Пискент	3,53	4843	4099	86,2	130	2,8	526	11,0
Урта Чирчиқ	3,44	5048	4273	81,0	981	18,5	22	0,5
Тошкент	3,51	7704	6455	85,7	860	11,4	210	2,9
Чирчиқ	3,0	10382	8960	92,1	409	4,8	255	3,1
Янгийўл	3,48	6196	5640	93,9	265	4,4	99	1,7
Область бўйича	3,51	104660	84447	83,9	9469	9,3	8375	6,8

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП области комитети, область нисабга союзулари Совети ва область комсомол комитети 1978 йил ҳосили учун кузги-қийини ишларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш бўйича районлар, «Узсельхозтехника» район бирлашмалари, область сув хўжалиги ташкилотларининг ишлаб чиқариш бўлиналари ўртасида уюштирилган социалистик мусобақанинг шу йил 1 февралга бўлган якутини кўриб чиқилди.

Ўзбекистон КП области комитети, область нисабга союзулари Совети ва область комсомол комитетининг кўмакида Қизил байроғи Калинин райони (район партия комитетининг секретари Р. Қ. Қамбаров, район ижроия комитетининг раиси Х. А. Аҳмедов, қишлоқ хўжалик ва табиёрлов органлари ишчи-хизматчилари касба союзулари район комитетининг раиси С. И. Исмомов, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Ж. Х. Ҳайдаров, «Узсельхозтехника» район бирлашмаси бошқарувчиси В. С. Колеско, район суюриш ташкилотлари бошқармасининг бошлиғи Л. Муҳаммадзаров ўртоқлар) берилди. Ўш район меҳнатчилари 1978 йил ҳосили учун куз-

ги-қийини тадбирларини амалга оширишда юқори суръатларга эришилди. Байроқ Тошкент районидан олиб берилди. Ўзбекистон КП области комитети, область нисабга союзулари Совети ва область комсомол комитетининг кўмакида Қизил байроғи Тошкент район «Узсельхозтехника» бирлашмасига (бошқарувчиси С. Камолов, бош инженер М. Н. Ким, партия ташкилотининг секретари Ф. Ф. Спассохов, касба союзу ташкилотининг раиси Т. Б. Тирнов, комсомол ташкилотининг секретари С. Аззамов ўртоқлар) берилди. Бу коллектив қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиш ва тайёрлашда яхши кўрсаткичга эришди.

Байроқ Урта Чирчиқ район «Узсельхозтехника» бирлашмасидан олиб берилди. Ўзбекистон КП области комитети, область нисабга союзулари Совети ва область комсомол комитетининг кўмакида Қизил байроғи «Ташмол-мелноводстрой» қурилиш бошқармасининг 5-механизацияланган кўмака колониясига (бошқари А. Н. Ким, бош инженер Х. Қулиев, партия ташкилотининг секретари Р. Ф. Моторина, касба союзу ташкилотининг раиси Ю. Т. Евдокимов, комсомол

ташкilotининг секретари А. Давлатшина ўртоқлар) берилди. Бу коллектив хўжаликлараро ва ички ирригация тармоқларини тозалаш календарь топиригини 137 процент, янги ер ўзлаштириш топиригини 125 процент, эскидан ҳайдаб қилинган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш топиригини 114 процент, ериш капитал текислаш топиригини эса 308 процент бажаришга эришди.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Калинин райони, Тошкент район «Узсельхозтехника» бирлашмасига, «Ташмол-мелноводстрой» қурилиш бошқармасининг 5-механизацияланган кўмака колониясига биттадан енгил автомашина ажратилди топирида.

Бўка, Тошкент, Чирчиқ районларида 1978 йил ҳосили учун кузги-қийини тадбирларини ўтказиш яхши уюштирилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Янгийўл, Бўстонлиқ, Охангарон районларида қўз-қийини тадбирларини ўтказишда сўғаштирилган йўл қўйлаётганлиги кўрсатилди, бу камчиликларнинг олдини олиш учун амалий тадбирлар белгилаш уқтириб ўтилди.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ТОШКЕНТ районининг чорвадорлари қишлови уюшқонлик билан ўтказишмоқда. Районда давлатга сўт сотиш январи ойи план муддатидан илгари эла отилди. Давлатга 530 тоннадан ошириб сўт етказиб берилди.

СССР Олий Советининг депутаты, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, танили сўт сўғувчи Минаввар Исоқова билан Арзний Йўлдошева сўт бўлогини топиришда ўз ҳамкасб дўгонларига ўрнат бўлишга эришди. Уларнинг аҳди зарбдор йилда ҳар бир сўғирдан соғиб олинадиган сўт миқдорини олти минг килограммга етказишди.

МАКТУБГА ЖАВОБАН

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВПСБ ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Совет Иттифоди партия, совет нисабга союзу, комсомол ташкилотларига, меҳнатчиларига Мактуби Юқори Чирчиқ районидан «Правда» колхоз деҳқони чорвадорларини янги меҳнат зафарларига ундамоқда. Колхозда эрта қўзлаштириш мавсуми қизиг давом этмоқда. Танқибали чўпон Абдуғани Юсупов отарида бу кампания зооветеринария қондалари асосида сифатли ташкил қилинган. Бу йил ўз отаридаги ҳар юз бош совлақдан 120 тадан қўзи олиш ва ҳар бир қўйдан ўртача 3,5 килограммдан яхши қириниш мақбуриятини олган.

У. БАҲРОМОВ.

БЕШ ЙИЛЛИК ҚУРИЛИШЛАРИДА

Тўйтепадаги Ўзбекистон 40 йиллиги номи металл конструкциялари заводи коллектив ишлаб чиқараётган бинокорлик материалларини мамлакатимизнинг жуда кўп қурилишларида учратиш мумкин. Улар тайёрлаётган металл конструкциялари беш йиллик объектларини жадал суръатлар билан ишчи ва пухта қуриш ишига ердан бермоқда. Шунинг учун ҳам корхона маҳсулотига бўлган ҳўжия йилдан-йилга кўпайиб бориши.

Шунинг учун ҳам сўғити йилларда давлат планлари муттасил эълан билан алоқаланди бўлиб қолди. Масалан, юбилей йили топириги муддатидан анча илгари бажарилиди. Социалистик мусобақани авж олдириш, ишлаб чиқариш жа-раёларини тинмай механиз-

ациялаш ва автоматлаштириш, илгор иш усулларини қўланиш туфайли ўзининг беш йиллигининг икки йиллик топириги доирли йи-гирма кул барвақт адо этилди. Қўшимча 350 минг сўм-лик маҳсулот реализация қилинди. Завод ишлаб чиқарган металл конструкциялари Туркменистондаги Яван химия комбинати, Челябинскдаги қатор трактор ва машинасозлик корхоналари, Душанбедаги йирик автоқозал қурилишларида ишлатилмоқда. Коллектив республикамиз қурилишлари учун қўлаб шундай конструкциялар етказиб берди.

Шу қунарда коллектив ўтган хўжалик йилида қўла қиритилган ютуқларини янада мустаҳкамлаш ва СССР янги Конституциясининг бир йиллигини арзирли меҳнат зафарлари билан

кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада авж олдириб ишламоқда. Бу мусобақада 5-йигув-пайвандлаш пехи ишчи ва хизматчилари пешқадамлик қилишди. Уларнинг ҳарқули ўртача иш кўрсаткичлари 115 процент, атрофида бўлмоқда.

Беш йиллик топириқларини муддатидан илгари ба-жариш юзасидан шахсий мажбурият олиб ишлаётган ишчи-хизматчилар мусобақа пешқадамлари сафида боришди. Владимир Третьяков, Габбас Сафудилин, Борис Горюнов, Риза Решитовлар шунлар жумласидандир. Улар эл-юрт олдида берган ваъдаларининг унда-сидан чиқаришди. Улар нормани 120—130 процентдан бажаришмоқда.

У. ҲАМИДОВ.



«Узсельхозтехника» заводи коллектив қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларига кўп ва сифатли меҳнатлари етказиб бериш учун мусобақани тобора авж олдиришда. Суратларда: корхона пешқадами В. Сукунов, Экиш сояқчилари. Зарбдор ишчи И. Алмиердонов, А. Тўраев фотолари.

БОҒ ВА УЗУМЗОРЛАР КЎПАЙСИН

Ўлкамиз — боғроғлар ўлкаси. Йил сайин мевазорлар, узумзорлар кенгайиб борилади. Соҳибкорларимиз, боғбонларимиз илгор тажрибалар, фан ютуқларини қўланиб, адо дастурхонга тобора мўл-қўл ноз-неъматларни етказиб бермоқда. Ҳозир айни қиш пайти. Лекин ишнинг қўзини билган соҳибкор ва боғбонлар мўл ҳосилга шу қунарлардан бошлаб замин яратадилар. Бунинг учун нимага айтиб бериш керак? Ҳозирги давлларда боғ ва тоқзорларда амалга ошириладиган тадбирлар нимагадан фарқ қилинади? Йилида муҳбирларимиз ана шу савол билан Ленин ордени Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик, виночилик илмий-тадқиқот институтини олимларига мурожаат қилишди.

Таппин институт директори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Махмуд Мирзаев бошлаб берди. — Ёнг муҳими ҳар тул мевали дарахтин, тоқ қўнатиш меҳр билан парварши қилиш, сақлаш, қишлоқ хўжалик зараркуналларидан ҳимоя қила билиш зарур. Бунинг учун соҳибкор ўз касбини ардоқлаш, об-ҳавонинг қандай қилишига қараб агротехника тадбирларини қўланиши лозим. Механизациядан, минерал ва маҳаллий ўғитлардан оқилона фойдаланиш керак. Областида бу соҳада катта тажриба тўплаган хўжаликлар қўл. Қўйи Чирчиқ районидан «Огонь» совхозини, Тошкент районидан «Ленин йўли» колхозини ва бошқа илгор хўжаликларда йилдан-йилга юқори кўрсаткичларга эришилаётганлигини сирин ҳам ана шунда.

Бу йил соҳибкорларимиз, боғбонларимиз олдига ҳам улкан ва масъулиятли ва-зифалар турибди. Бу вазифаларни бажариш учун белгилаган агротехника тад-

бирларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш керак. Маълумки, ўтган йили мевали эканларини парварши қилишда бир қатор камчиликларга йўл қўйилди. Айрим хўжаликларда суюриш ишлари яхши ташкил этилмади. Натижада илдииз атрофларида етарли нам тўпланмади. Бу дарахтларнинг зарарли ҳашаротлар билан касалланишига сабаб бўлди. Боғ ва тоқзорларда тектар-ринга 1200—1500 куб метрдан сув сарфланди, суюриш мақсадга мувофиқдир. Сизот суварли юза бўлган-да нормалагилан анча нам сув қўйилди.

Айрим қунарлар ҳаво ҳалдан ташқари исб кетмоқда. Натижада мевали дарахтларининг барвақт ўғити-ни қилиш хавфи туғилди. Шу сабабдан чилла сувни беришни қулайтириш керак. Бу ўсимлик ядизларини со-вудан сақлаб, навларининг тезда уйғонишига йўл қўй-майди. Дарахт таналарини оҳақ суюқлиги билан оқлаш — бу ишнинг пурнатиғи апа-ратлари ердамида амалга ошириш керак.

Ҳашаротга қарши кураш

да солинса, у ҳосил шоҳла-рини қўлайтиради, ҳосилдорлигини оширади.

Институтда ўтказилган тажрибалардан шу нарс маълумки, тупроқни 50—60 сантиметр чуқурликда ҳай-даш билан бир йўла шўнги солиб кеттиш юқори фойда. Сўз ва ўғит тупроқнинг би-ологик структурасини ҳар томонлама яхшилади.

Аҳолига ширин-шакар ме-ва етказиб бериш бийнинг буримиз. Лекин айрим хўжаликларда боғ ва узум-зорлар ташландиқ аҳволда, яхши қарамайди. Бунга чек қўйиш керак. Ҳар бир

керак. Тоғ қияларига мевали қўчат ўтказиш ишларини режалли тартибда амалга ошириш лозим. Тошқоқ ер-ларга қўчат етказиш олдин эса тупроқ чидариб солиш мақсадга мувофиқдир. Бунда ПУМ-50 плугидан фойда-ланилади. Бульдозер ерда-мида энапоаялар қилиниб, текислашди. Бу ишларини март-май ойларига амалга ошириш аини муддао-дир.

Паслини, тоғ ён бағир-ларига ўтказилган узум, мевали дарахт майдонларининг атрофида иҳота дарахти қў-чатлари ўтказилса, уларини шамол ва совуқдан сақлаш-га ҳам эътибор берган бў-ламиз. Акс ҳолда қаттиқ шамол дарахтларнинг мева-ларини тўкиб юборади. Ҳосил кескин қамайиб кетади. Иҳота дарахтлари 6—8 ка-торда, табақалаштириб ў-тирилади. Буларнинг ора-лиғи бордан 15—20 метр узюқда бўлгани маълум. Ен-гоқ, тоқ, ўрик ва бошқа да-рахт қўчатлари чидалиб бў-лади. Ана шунлардан иҳота дарахти сифатида фойда-ланиш мумкин.

Боғ ичидига йўлларга эса терак ва бошқа қўчат-лар ўтказилди. Буларнинг боғ билан оралиғи 12—15 метрдан ошмаслини керак. Боғ ва узумзорлардаги ишчи-хизматчиларнинг меҳнат-шарини тўғрисида шу институт меҳнатини бўли-шининг мудир Тўқчи Ах-медов қўйиладигани айтил-ди. Институт илмий ходим-лари илгор хўжаликлар таж-рибанор боғбонлар билан ҳамкорликда боғ ва тоқзор-ларда қўл меҳнатини енгил-

лаштириш, техникадан қўл-роқ ва самаралироқ фой-даланишга қаратилган бир қатор тадбирларини амалга оширмоқда. Ўтган йили боғдорчилик ва узумчилик-ка иштирокдаштирилган хў-жаликларда иш жараёларини механизациялаштириш даражаси 63 процентга, жу-младан узумзорларда эса 53 процентга етди. Алинасқа, мевали дарахт тағирларини қўнатиш, ўғитлаш, шакл бе-риш, ариқ олиш, ҳашаротга қарши кураш, бегона ўтлар-ни йўқотиш каби ишларда механизациядан кенг фойда-ланилмоқда. Тоқларини очини ва ёпишда «НЮ-18» машина-си қўл келтипти. Ҳосилининг таннархи арзонлашиб, йили-га қўлаб маблаг тежаб қо-лимоқда.

Лекин ҳамма колхоз ва совхозларда ҳам бу соҳада қилинаётган ишлар қўнги-лағидек эмас. Зарур меҳ-натчилар бор бўлматуриб, уларнинг тўла қувват билан ишлатиш тўғрисида қайғур-майдилар.

Боғдорчиликда ҳам кар-таларини йириклаштириш ке-рак. Темир-бетон шпаллар-дан, симбағалардан фойда-ланиб, иш юритиладиган хў-жаликларда механизация-нинг умумли ишлатишга им-коният яратилди. Агрегат-ларнинг бурилиб қайтиш майдонин 8 метрдан кам бў-ласлиги керак. Трактор бе-малол ишлайди, вақт тежа-лади.

Ҳозир қиш. Ёғит соғиди-дан, қўчат ўтказиладиган ва бошқа меҳанизмларнинг сна-чиқлаб қўзда нечириб, сиф-атли ремонтдан чиқариб, со-злаб қўйиш керак.

ИШ ҚУРОЛИ СОЗ БЎЛСА

Бекобод район хўжалик-ларини бачча техника восита-ларини қўплагини дала ишларига шай қилиб қўйиш намунали уюштирилди. Бу борада Ой-бек номи, 1-«Давлат» совхоз-лар меҳанизаторларининг ишлари ибратлидир.

«Иш қурулини соз бўлса, машаққатинг оз бўлур», деб бежиз айтилмаган. Халқимиз-нинг бу нақлига амал қилган ҳар икки совхоз меҳанизатор-

лари қўплагини дала ишларига шай қилишди. Суратларда: [чапдан ўнгга] мутахассислар 1-«Давлат» совхозда ре-монтдан чиқарилган техника воситаларини сифатини кўздан кечиришмоқда; Ойбек номи совхозининг меҳанизатори Олла-берди Боймуревоў ўз агрега-тини дала ишларига биринчи-лар қатори тахт қилиб қўйган.

М. Қорабеков фотолари.

ХАСКОВОЛИК МЕҲМОНИНГ ТОШКЕНТДА БЎЛИШИ

Хасково округ касба сою-злари советининг раиси Атанас Стоилов уш кун довомида Тош-кентда бўлди.

А. Стоилов Қўйи Чирчиқ районидан Г. Димитров номи колхозда бўлиб, хўжалик меҳнатчиларининг турмуши ва фаолияти билан танишди, болгар-совет дўстлиги музейи-га таширф бўюди. Болгария-лик меҳмон Хасково меҳнат-чилари томонидан энгилла-дан сўнг тошкентликлар учун қўриб берилган 9-мактабда ўқув жараёни билан қизиқиб

танишди. У Тошкент метропо-литени станцияларида бўлди, Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси, Халқаро дўстлиги музейи, В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини томоша қилди.

А. Стоилов Тошкент область касба союзу актив билан уч-рашди.

Хасково округ касба сою-злари советининг раиси А. Стоиловини Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Окунский, Ўзбекистон ЛКМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ф. Гафуров, ВЛКСМ Марказий Комитетининг бў-лим мудир Ю. И. Муртов ўртоқлар қатнашдилар.

Тошкент область комсо-мол ташкилотли ревизия ю-нисисининг мажлиси бў-либ ўтди. А. Носиров реви-зия комиссиясининг раиси қилиб сайланди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМСОМОЛ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Тошкент область XX ком-сомол конференциясида сай-ланган область комсомол ко-митетининг таъиний пле-нуми бўлиб ўтди.

Пленумда Б. С. Камолов область комсомол комитетининг биринчи секретари, В. А. Лозинский область комсомол комитетининг ик-кинчи секретари, Л. Ф. Ко-черга ва А. С. Раззоков об-ласть комсомол комитети-нинг секретарлари қилиб сайландилар.

Пленум пилида Тошкент область партия комитети-

ДУНЁ ОВОЗИ
ЧЕМ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ВАРШАВА. Пышада икки
вакфат кучи вақтар, район
халқий советининг депутат-
ларга сайлов ўтказилди.

Бу сайлов бутун халқнинг
атта байрамга айланди. 24
милдон сайловчи халқнинг
енг яхши ўғил ва қизлари
учун, Польша Вирлашган
партияси, Бирлашган

деҳқонлар партияси, Демо-
кратик партия аъзолари
учун, партиячилар учун ви-
жаимиятдо бошқа донра-
ларнинг вакиллари учун овоз
берди. Булар 2353 маҳаллий
халқ советлари депутатлиги-
га номзод қилиб кўрсатилган
эди.

Болгария Халқ Республикаси. «Яшаради, лекин қармайди» — Болгария пойтахти Софиянинг қадимги гербда ана шу сўзлар битилган. Чиндан ҳам шаҳарда ҳушчақчақ, ҳаётсевар ёшларни ҳар қадамда учратиб мумкин.

В. Мастюков фотоси. (ТАСС фотохромикаси).

Болгария Халқ Республикаси. «Яшаради, лекин қармайди» — Болгария пойтахти Софиянинг қадимги гербда ана шу сўзлар битилган. Чиндан ҳам шаҳарда ҳушчақчақ, ҳаётсевар ёшларни ҳар қадамда учратиб мумкин.

В. Мастюков фотоси. (ТАСС фотохромикаси).

«Правда» газетасининг 1978 йил 3 февралдаги редакцион мақоласи).

Бизнинг ахборот

КЎРКАМ БИНОЛАР

КАЛИНИН район маркази қувида кун чироғи, шаҳар тўғи олмада. Бу ерда қишлоқдаги икки қаватли турар-жой биноси фойдаланишга топширилди.

РАЙОН марказидаги маданий ва маърифат объектлари қуришда янгида қурилган озиқ-овқат магазини, ҳар бири 280 кичкинтар бағрига оладиган икки қаватли кўрсаткич комбинатининг пехлари қувида. Шу кунларда 400 томошабинга мўлжалланган кино театр, 30 минг қитоб қўлига мўлжалланган икки қаватли кутубхона биноси қуришнинг мадда суратлар билан олиб боришмоқда. Қўлусида район маркази янада ободонлашмоқда.

КИНОЧИЛАР ҲИММАТИ

ОБЛАСТ киноматографлари башқармасининг ходимлари қорва киловизи қизин давом этатган шу кунларда сут соғути, механизатор ва чўшқаларга маданий хизмат кўрсатишнинг янада яхшиланмоқда. Ҳозир узоқ йиллардан отарларга 60 дан ортиқ кўча кино кўрсатиш установаки хизмат кўрсатяпти.

АЙНИҚСА, Бўстонлик, Янгийул ва Оржоникиде район кино ходимлари бу соҳада касбдошларига ўрнатилган. Улар қорваларга бадий ва ҳужжатли фильмлардан ташқари чорваларни зоотехникаси, ветеринария ва ферма ишларини ташқил қилишга оид илмий-оммабои фильмларини намойиш қилишмоқда. Киномеханиклардан янгийуллик М. Камолов, бўстонликлик А. Алдонлар бу борада пешадамлик қилишмоқда.

САЁХАТ — РОҲАТ

Областимизнинг қишлоқ меҳнатчилари қиш ойларида ҳам меҳнат отпускарларини саёхатда, курорт ва санаторийларда ўтказишмоқда. Деҳқонлар учун касба-саноат қўшма-қўшма туристик поездлар ташқил қилишмоқда.

Оржоникиде районидида «Қизил Ўзбекистон», «Правда», «Маданият» қўшма-қўшма санавотчи ва соҳибдорлари Қора деғиз ва Кавказ дам олиш уйларида ва санаторийларда бўлиб қайтишди. Район қишлоқ хўжалик мухассислари, қишлоқчилари, ишчи ва хизматчиларидан иборат бир неча гуруҳи қаҳармон шаҳарлар, Қўша Самарқанд, Бухоро, Хива ва тарихий шаҳарларга саёхат қилишди.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

Я Н Г И ПЛАСТИНКАЛАР

ТОШКЕНТ грампластинкалар заводи қиш йилининг янги қўшиқ ва музикалари чоп қилинган пластинкаларини тайёрлаб савдо тармоқларига юбормоқда.

Пластинкалар орасида эстрада қўшиқлари анча кенг ўрин олган. Бу жанрнинг музикалари Мирей Матье, Рафаэль, Валентина Толкунова, «Ариэль», «Нью-Сикерс» вокал-чолгу ансамбли ва бошқаларнинг қўшиқларини илмий тартибда тинглатилар.

Миллий музика ишқибозлари эса «Мархабо талантлари» сериясининг 12-қисми олдиди. Бу йил завод қўша ва музика билан пластинкаларини чиқаради. Иккинчиси «Бремени музикачилари», «Яшил вагон», «Гена исми тисоҳ ҳақидаги ва бошқа қишлоқ музика дўстларини мароқ билан эшитиш имониятига эга бўлади.

Завод коллективининг биринчи қаватда қатта, ўртача ва «Малютка» шаклидаги кичкина пластинкаларининг қариб 5 миллиондан ортиқ ишлаб чиқаради. Коллектив планда илмий-ишчи мавзудаги пластинкалар чиқариш ҳам белгиланган.

Н. СКРИПЛЕВ.

«Мактабга Владимир Жонбеков келармиш» — бу хабар бир зумда қанот ёвди. Космонавт таълим олган шахаримиздаги 50-орта мактаб ўқувчилари ҳам, ўқитувчилари ҳам бу хабарни қизин тайёрларга кўришди. Айниқса, бошланғич синфлар ўқитувчиси Любовь Семёновна Романенконинг қувони чинга сиймасди. Ахир у кичкина Володяни 2- ва 3-синфларда ўқитган эди...

Ўқитувчилар хонасида Владимир Жонбеков Любовь Семёновнага тикилганча нималарнидир хотирламоқчи бўларди.

— Любовь Семёновна-а? — Бу саволдан ўқитувчининг кўзларида «таниди» деган маъно бағкиди.

— Ҳа — деди у жимлайиб. У лойларда ёш Люба Бела-вина машаққатли, лекин шарафли касбини эндида бошлаган эди. Ҳозир қаршисида турган ана шу салобатли, соғларига оқ оралган ва шу билан бирга чекрасида болаларга хос табассум уйнаб турган космонавт мана бу кичкинтойлардан сира фарқ қилмасди. Мана энди... Сира ишонгинг келмайди.

Любовь Семёновна «ҳозир», деб шаклдан бф даста папка

МЕН ТОШКЕНТ ФАРЗАНДИМАН

олди. Бу космонавтининг табиати эди. Қизикиб кўздан кечиришди. Фақат «айло» бақолар. Синфдан синфга мактаб ёрлиги билан ўтказилган...

Шу кун космонавтининг қўлига ҳажонли ўқушувлар кутарди. Мактабга уни суворовчилар билан юртида ўқитган устозлари Г. С. Радионов, Б. С. Штейнман ҳам келишган эди. Ҳаммалари шу ерда ўқушди. Кейин Волода ўқиган синфга киришди.

Биринчи партада ўтирадиган Миша Рожковнинг қувони жулда чексиз. Унинг партасида бундан бир неча ўн йил муқаддам космонавт ўтирган экан. 50-мактабининг собиқ ўқувчиси Владимир Жонбеков ўз даврида оғир атлетика бўйича республика чемпиони бўлган. Унинг партасида ўтирган Михаил Рожков ҳам буш келмапти. Ўзи тенг болалар ўртасида у стол теннисини бўйича чемпион ҳисобланади.

— Мен ҳам космонавт бўламан, — деди табассумини яшира олмай кичкина Миша.

Ҳа, космонавтининг ҳар бир қизиқарли ва сермазмун ўти. Айниқса, маршал Рибалко номли танк командирлари олий билим юртида бўлган ўқушув катта таассурот қолдирди.

— Мен учун бу билим юртига келиш жуда қувончлидир. Чунки суворовчилар билим юртида ўқиб юрганмишда биз тез-тез бу ерга келиб, катта акаларимизнинг ўқишдаги муваффақиятлари билан танишар эдик.

Умуман, танк командирлари олий билим юрти космонавтар билан яқиндан алоқа боғлаган. Бу ерга Елисеев, Попов сингари фазо ўқонлари ташқил бўлиришган, билим юртининг жанговар тарихига бағишланган музейдаги тақдир ва истаклар дафтариди ўз фикр ва мулоҳазаларини ёзиб қолган. Энди дафтарга Владимир Жонбековнинг ҳам дастхоти тушди.

«СССР Қуролли Кучларининг 60 йиллиги арафасида Сизнинг аjoyиб музейингизни келиб кўрдим.

Мен Ленин комсомоли ва Совет Армиясида тарбия топганлигим учун ҳам Қуролли Кучларимизнинг тарихини зўр гуруҳ билан кузатиб бораёман. Бизнинг кун ва кудратимиз ҳалқимизнинг тинч меҳнатини қўриқлашга қаратилган. Юртдош дўстларим бўлган сиз танкчиларга ўз олдига қўйган мақсад йўлида

КОСМОНАВТ В. А. ЖОНИБЕКОВ БИЛАН ЎҚУШУВ

катта муваффақиятлар тилайм. Ўқиш ва хизматда доимо омад ёр бўлсин.

5 февраль, 1978 йил. Космонавт В. Жонбеков.

«Чирчиқ меҳнатқашларининг митинги катта тантанасида айланган. Кўзга чиққан ҳар бир киши Жонбеков ва унинг дўстларининг космосдаги муваффақиятидан жуда қувонганлигини, фазогирларимиз

ҳар бир ютуқларини янги меҳнат зафарлари сари қорлаётганини тилга олиб ўтди. Космонавтининг Чирчиқ шаҳри фехрий гражданингга қабул қилиш маросими эса жуда ҳаяжонли ўтди.

— Мен учун Чирчиқ шаҳрининг фехрий граждани бўлиш жуда шарафли, — деди космонавт. — Чунки ёшлигимда бу ерга тез-тез келиб турардим. Яқин қариндошларимиз химия комбинатига ишлардим. Айтмоқчиманки, Чирчиқ меннинг иккинчи она шаҳри бўлиб қолган. Энди мен сизлар, чирчиқлик меҳнатқашлар билан бевосита боғлиқман. Бу менга жуда катта масъулият юкляди. Сизларнинг ишончлигини оқлашга, ҳалқимиз фаровонлиги йўлида бундан бун ҳам қўлимдан келганча хизмат қилишга иштиёқман.

«Союз-27» кемасининг командири, полковник Владимир Жонбеков ўзининг кадрдон Бўстонлик районига ҳам борди. Бу ерда илгор сановатлар, қишлоқ хўжалик меҳнат

қашлари билан ўқушди. Совет космонавтикаси қўлга киритган ютуқлар ҳақида гапириб берди.

— Владимир Александрович, бир неча кун Тошкентда бўлдингиз. Ана шу сафар Сизда қандай таассурот қолдирди? — Мен қандай таассуротлар билан Эвезднийга қайтаганимни тасвирлаш қийин. Ахир ўз она шаҳрини узоқ танлафусдан сўнг қайтаганимда қанчалик тўқилганасан, киши. Область меҳнатқашлари қўлга киритган ютуқлар яққол кўзга ташланиб турибди.


Мен жуда кўп ўқушувларда иштирок этдим. В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида бўлдим, республика халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасини бориб кўрдим.

— Кўпгина ўқушувларда космонавтика ҳақида саволлар берилди. Ана шу соҳада қизилган ишлар ҳақида газет-журналистларга ҳам гапириб берсангиз.

— Чиндан ҳам ҳамюртларимни космонавтика соҳасида жуда қизиқшарли қувончлидир. Газетхонларга эса шунини айтмоқчиманки, космос ражоталари бугунги кунда жуда катта иқтисодий самара бермоқда.

...Халқ хўжалигига, олимларимизга шундай катта ёрдам бераётган тинчлик ишига муносиб ҳисса қўшаётган космонавтар отрядида тошкентлик йигит борлигидан ҳаммаиз фархланамиз. Тошкент область комсомол ташкилотига тарбияланган ва камол топган, область XX комсомол конференциясида ВЛКСМ XVIII съездида делегат қилиб сайланган Владимир Александрович Жонбековнинг бундан кейинги ишларида ҳам космик муваффақиятлар тилаймиз.

Б. ПУЛТОВ, А. АБДУЛЛАЕВ.



Суратларда: (чапдан) В. Жонбеков, В. И. Ленин номи Бутуниттifoқ Марказий музейининг Тошкент филиалида. Ҳамшаҳримиз ҳам мана шу кичкинтойлар ўқи-ётган мактабда таҳсил кўрган.

КУНЛАРДАН БИР КУН САЛЬВИНИНИНГ ХАТОСИ

МАШҲУР италян актёри, фойдали роляларнинг устаси иккинчи Томазо Сальвини Москвадаги Малый театр сахнасида Отелло ролини ўйнаб совет томошабинларининг олқишига сазовор бўлган, — деб ёздаи таъинли адабиётчи ва санъатшунос Ираклий Андроников.

Бир кун у ўн ишлаган Милан театри коллективин билан Флоренцияга гастролга келди. «Отелло» спектаклида бош ролини Сальвини ўйнади ҳақида дабдабали эълон қилинди. «Зал лиқ тўла. Томошабинлар нафасларини ичига ютиб спектакль бошланганини куттишмоқда.

Ана Сальвини қора мавр ролида саҳнага чиқиб келди. Бирданга залда қий-қуштак ва ер тешишлар бошланди.

Нима бўлди? Актёр у ёқ-бу ёққа қаради. Эвоҳ, қандай хатолик! У қўлларини қорига бўяшни унутган экан. Аммо у довлараб қолмади. Ҳеч нима бўлмагандек ролини ижро этаверди.

Ниҳоят биринчи парда тугади. Одамлар иккинчи

парда бошлангани билан дарҳол Отеллонинг қўлларига қаради. Яна тўболои бошланди. Унинг қўллари аналитикдек ошпоқ эди. Сальвини мўлақоқ хотиржамлик билан аста-секин қўлларидан оқ қўлқопларни оқ бирин-кетин ечиб ёнидаги соддатга ташлади.

Унинг қўллари қоп қора эди. Аслида у биринчи кўринишда қўлоп хатога йўл қўйган эди. Парда ёллагач, дарҳол отелло одам юбориб, оқ қўлоқларини олдириб келтирди. Бу орада қўлларини қорига бўяди. Гўё у биринчи кўринишда ҳам оқ қўлоқ кийиб ўйнагандек бемаалол саҳнага чиқди.

Баракала, Сальвини! Офарин! Яна! Одамлар унинг топқирлигига қўйил қўллариди.

Бирок, кейинчалик ҳам ҳар сафар актёр Флоренцияга келганда биринчи пардада ҳамнаша оқ қўлоқ кийиб чиқадиган бўлди. Томошабинлар ўшанда актёр эмас, балки, ўзлари хатога йўл қўйганига иқдор бўлишди.

Сальвини ана шундай буюк актёр эди.

«Ю В И Ш» (ВОКЕИЯ ҲАНГОМА)

УИДА дам олиб ётганим, дўстим Мурод келиб қолди. Биз тураларнинг унинг биринчи қаватдаги сановат моллар магазинидан шим олмақчи экан. Бирга магазинга тушдик. Магазинда ўндан ортиқ турли рангдаги шимни кўрдик. Нарҳи 25 сўм бўлган шимнинг рангин, тикилиши, размери тўғри келишига қарамай, Мурод 23 сўмлик шимни сотиб олди.

— Тежалгани мақд бойлики!

— деди у икки сўмлик туфлаб, чўнтакка солар экан. Шимини ўраб энди кўчага чиққан эдик. Тўлаган деган дўстимиз учраб қолди. — Нима ҳарид қилдинглар! — қизиксиди у. — Шим олдим, — деди сенингизга Мурод. — Ювар эканмиш-да, дўстим, — деб у шу ердиги «Ширини» кафесига ишора қилди. Ювиш бир бутилка пиводан бошланиб, ароқ йўқ экан, ко

няк билан тугади. Хуллас, шимнинг эгаси анча-мунчага тушди. «Э, нодон дўстим, шим олишда икки сўмни кўзинг қиймаган эди. Энди бўлса...» Билмадим ундан қанча кетди. Бу ҳақида у эртага ҳамён қавлаганда билса керак. Е унчага малликан дипломни «маллум» қилди.

С. АХМЕДОВ.

ШАҲАРЧА ОБОДОНЛАШМОҚДА

ТОШКЕНТДАГИ меҳнат қўлашчилари ой сайин кўркамлашмоқда. Яқинда ТОММИ санитария-гигиена факультетининг студентлари қурувчилардан яхши совет олишди. 800 ўринли ётоқхона фойдаланишга топширилди.

«Талабалар уйи» барча қўлашчиларга эга: бу ерда шинам кутубхона, қироатхона ва дам олиш хоналари мавжуд. Студентлар ҳузурига институтнинг профессор ва ўқитувчилари тез-тез келиб, турли мавзуларда суҳбат ва лекциялар ўтказишмоқда.

Бу ишларда айниқса М. Маъмунов, Т. Искандаров сингари устозлар ва студентлар советининг раиси М. Ирбоннинг хизматлари алоҳида таъкидлаш керак.

С. АХМЕДОВ.

ХОДИСА БЕПАРВОЛИК ОҚИБАТИ

ЕНГИНГА қарши давлат назорат инспекцияси қишлоқ мавсум арасида истиш системаларини тартибга келтириб қўйиш ҳақида уй эгаларини огоҳлантирган эди. Кўпчилик хонадонларда истиш системаси зудлик билан текшириб, тартибга келтирилди. Аммо, айрим уй соҳиблари бунга эътибор қилмаган экан, оқибати ҳушқў бўлиб қичди.

Тошкент шаҳар Фрунзе районидида Цеховая кўча бўйида кечқурун ёнғин чиқди. Бу ёнғин истиш системасининг носозлигидан келиб чиққан эди. Унинг чердак ва шифти қуйиб кетди. Ичқаридаги жиҳозларга ҳам жиддий зарар етди. Уй эгаси Рашид Гуломовни ўз бепарволиги, мана шундай аёвсиз жазоланди.

С. НУРМАТОВ.

Ў Қ У В Ч И Л А Р НЕВА БҮЙИДА

12-ЎРТА мактабининг юқори синф ўқувчилари Революция бешғи — Ленинградга саёхат қилишди. Улар доҳий В. И. Ленин нуқт сузлаган Финляндия вокзали, ниқлоб штаби Смольний, афсонавий «Аврора» крейсери ва жаҳонда энг бой ва хилма-хил экспонатларга сароб бўлган Эрмитажга мириқиб томоша қилдилар.

О. ХУШНАЗАРОВ, Оҳангарон райони.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.